

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КЕНЖАЕВ ЛАЗИЗ РАЗЗАКОВИЧ**

**ЖИГАР ДИФФУЗ КАСАЛЛИКЛАРИ ФОНИДА КЕЧУВЧИ МЕХАНИК**  
**САРИҚЛИКНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ**  
**ЯХШИЛАШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Кенжаев Лазиз Раззакович**

Жигар диффуз касалликлари фонида кечувчи механик сарикликни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш ..... 3

**Кенжаев Лазиз Раззакович**

Улучшение результатов хирургического лечения желчекаменной болезни с механической желтухой на фоне диффузного заболевания печени ..... 23

**Kenjaev Laziz Razzakovich**

Improving the results of surgical treatment of cholelithiasis with obstructive jaundice on the background of diffuse liver disease ..... 43

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

Lists of published works ..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КЕНЖАЕВ ЛАЗИЗ РАЗЗАКОВИЧ**

**ЖИГАР ДИФФУЗ КАСАЛЛИКЛАРИ ФОНИДА КЕЧУВЧИ МЕХАНИК  
САРИҚЛИКНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ  
ЯХШИЛАШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/Tib1753 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))

Илмий раҳбар	Ўроқов Шухрат Тўхтаевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар	Лигай Руслан Ефимович тиббиёт фанлари доктори
	Хақимов Мурод Шавкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	А.В. Вишневский номидаги миллий тиббий илмий текшириш хирургия маркази. (Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «2» МАРТ соат 12<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри. А. Навоий шох кўчаси, 1- уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru))

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 076 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2022 йил «17» ФЕВРАЛЬ кун тарқатилди.

(2022 йил «17» ФЕВРАЛЬ даги 13 рақамли реестр баённомаси).



*(Handwritten signature)*

**А.Ш. Иноятгов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н. Ачилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Н.А. Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

*(Handwritten signature)*

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида жигарнинг сурункали диффуз касалликлари орасида жигар циррози кўрсаткичининг сезиларли ўсиш даражаси ва ўлим ҳолати юқори бўлгани сабабли ҳозирги вақтда ҳам тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига қараганда, ҳар йили жигар циррозидан 300 минг нафарга яқин бемор вафот этади. «...Ҳозирги вақтда бутун дунёдагидек, Марказий Осиё давлатлари учун ҳам сезиларли даражада тарқалаётган вирусли гепатитлар худудий касаллик ҳисобланади...»<sup>1</sup>. Жигарнинг сурункали диффуз касалликларидан жигар циррози, ўзининг учраши, асоратлари ва ўлим кўрсаткичи билан алоҳида ўрин тутди. 2010 йилларнинг бошида жигар циррози билан касалланган беморлар 1-11% ни ташкил этган бўлса, ушбу касаллик учун ўртача 46 ёшдан бошлаб кузатилиб, касаллик учун яшаш даври 3-6 йилни ташкил қилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига қараганда, энг кўп ўлим ҳолатига сабаб бўлаётган касалликлар бўйича жигар циррози 8 - ўринда туради.

Жаҳонда охириги ўн йилликда олимлар томонидан жигарнинг диффуз касалликлари учраши, клиник кечиши, айниқса уларнинг қорин бўшлиғи аъзолари бошқа касалликлари билан бирга келган ҳолатларда кечишининг ўзига хослиги, даволаш усуллари ва жарроҳлик ёндашувлар борасида кўп илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Адабиётларда жигар циррозининг бир қанча хирургик касалликлар билан учраши, клиник кечиши, диагноз қўйиш ва даволаш ҳамда ушбу ҳолатларда жарроҳлик ёндашувлари тўғрисида илмий ишлар олиб борилган. Яъни, адабиётларда жигар циррози билан ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги, ўткир ва сурункали холецистит, эхинококк касаллиги, қорин девори чурралари, ўткир панкреатит, ўткир ичак тутилиши ҳақида бир қанча маълумотлар бор. Лекин биз изланган адабиётларда ўт тоши касаллиги, аниқроғи, холедохолитиаз ва унинг асорати бўлган механик сариқликнинг жигар циррози билан бирга келган ҳолатлардаги диагностика ва даволаш усуллари ҳақида аниқ маълумотлар учрамади. Албатта, механик сариқликнинг сабабларидан бири бўлган ўт тош касаллигининг жигар циррози билан чамбарчас алоқаси мавжудлиги ва уларнинг қайсидир бири бирламчи ёки иккиламчи бўлиши мумкин. Маълумки, жигар циррози билан касалланган беморларда холедохолитиаз 28-32% гача учрайди.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш ва жигар циррози ва механик сариқлик касалликларининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-5590-сон Фармонида «...мамлакатда тиббий ёрдам самарадорлигини, сифатини ва универсаллигини ошириш,

---

<sup>1</sup>Ураков Ш.Т., Абидов У.О. Синдром механической желтухи. Бухара, 2020. - С. 12-15.

шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини яратиш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий этиш...»<sup>2</sup> таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V1. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги 20 йил давомида статистик маълумотларга кўра, кардиохирургиянинг жадал ривожланиши, кардиофармацевтиканинг эришган ютуқлари, юрак қон-томир системаси касалликларининг келиб чиқиш сабабларига анчагина ойдинлик киритилиши, ушбу соҳадаги кузатиладиган асоратлар, шу жумладан, ўлим ҳолатини сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Унинг ўрнига эса овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари ва асоратлари олдинги ўринга чиқмоқда. Овқат ҳазм қилиш системаси касалликлари ичида жигарнинг ва ўт йўллари касалликлари учраш даражаси бўйича олдинги ўринларни эгаллайди (Каримов Ш.И. ва ҳаммуал., 2015). Маълумки, жигар циррози кўп тизимли касаллик бўлиб, аксарият ҳолатларда организмдаги мавжуд бўлган сурункали касалликларни кўзғатиб, асоратга сабабчи бўлса, айрим ҳолларда эса тўғридан тўғри патологик жараёни кўзғатади (Ўроқов Ш.Т., Эшонов О.Ш., 2019).

Ҳозирги замон тиббиётининг долзарб муаммоларидан бири жигар сурункали диффуз касалликларининг аҳоли орасида кўпайиб бориши ҳамда ушбу касалликнинг қорин бўшлиғи аъзоларининг бошқа қўшимча касалликлари билан биргаликда келган ҳолатлардаги диагноз қўйиш ва даволаш борасида бирор бир аниқ фикрнинг йўқлигидир.

Жигар сурункали диффуз касалликлари (сурункали гепатитнинг оғир даражалари, жигар фибрози, алькоголли гепатит ва ҳ.к.) мавжуд бўлган беморларда хирургик аралашувлар кўпгина ҳолатларда манфий натижа билан тугайди. Айниқса, жигар циррози бўлган беморларда операциядан кейинги давр ўтқир жигар буйрак етишмовчилиги, энцефалопатия, қизилўнғач ва ошқозон веналарининг варикоз кенгайишидан қон кетиши ва асцит сепсис натижасида оғир кечиб, аянчли асоратларга, ҳаттоки ўлимга олиб келиши мумкин (Юджин Р. Шифф ва ҳаммуал., 2012).

Адабиётларда ЖЦ билан касалланган беморларда бажарилган жигарни қисман кесиш операциясидан кейинги асорат 50-60% учраса, соғлом жигарни кесиш операциясидан кейинги асоратлар 20-30% ни ташкил қилади (Цыганков В.Н. ва ҳаммуал., 2015)

---

<sup>2</sup> Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

Шунинг учун ҳам қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшимча касалликлари жигарнинг сурункали диффуз касалликлари билан бирга келганда, айниқса, жигар функционал ҳолатининг бузилган вазиятларда операциядан олдинги даврда қамровли патогенетик давони ва, шунингдек, операциядан кейинги даво усулини мақсадли такомиллаштириш, ушбу оғир тоифадаги беморларни даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилаб, мазкур муаммонинг аниқ ечимини ҳал қилиши мумкин.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2021 PhD 124) «Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** ўт тош касаллиги сабабли юзага келган механик сариқликнинг жигар диффуз касалликлари фонида келган ҳолатларда хирургик даво натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўт тош касаллиги натижасидаги механик сариқликнинг жигар диффуз касалликлари билан бирга учраш кўрсаткичларини аниқлаш;

ўт тош касаллиги сабабли механик сариқликнинг жигар диффуз касалликлари фонида клиник кечиши ва ултратовуш сонография текширувининг ўзига хослигини ўрганиш;

ўт тош касаллиги сабабли механик сариқликнинг жигар диффуз касалликлари билан келган беморларда анъанавий даво усулларини клиник самарадорлигини, ҳамда кониқарсиз натижаларнинг сабабларини аниқлаш;

ўт тош касаллиги сабабли механик сариқликнинг жигар диффуз касалликлари қўшилиб келган беморларда даво усулларини такомиллаштириш;

ўт тош касаллиги сабабли механик сариқлик жигар диффуз касалликлари билан бирга келган беморларда қўлланган усулларнинг самарадорлигини баҳолаш орқали диагностик-даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2016-2020 йиллар давомида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг шошилич хирургия бўлимларида жигар диффуз касалликлари фонида кечган ўт тоши касаллиги сабабли механик сариқлик ташхиси билан даволанган 76 нафар беморда олиб борилган изланиш натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб жигар диффуз касалликлари фонида кечган ўт тоши касаллиги сабабли механик сариқлик билан бирга келган ҳолатда беморларни текшириш, консерватив, миниинвазив ва оператив даво усулларини қўллаш натижалари таҳлили келтирилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги текшириш усуллардан: клиник, клиник – лаборатор, инструментал (УТС, эластометрия, ЭФГДС, ЭПСТ, ЭРПХГ, МРПХГ) дан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

ўт тош касаллиги натижасидаги механик сариқликни жигар сурункали диффуз касалликлари билан бирга учраш кўрсаткичи, беморнинг ёши ва жинси ва кесимида аниқланган;

механик сариқликни жигар сурункали диффуз касалликлари билан бирга келган беморларнинг клиник кечиши, ултратовуш сонография текшируви маълумотларининг жигар тўқимасидаги фиброз даражасига боғлиқлиги аниқланган.

ўт тош касаллиги сабабли механик сариқликнинг жигар диффуз касалликлари билан бирга келган беморларда, жигар етшмовчилиги даражаларидан келиб чиққан ҳолда даво тактикаси танланган;

механик сариқликнинг жигар диффуз касалликлари билан бирга келган беморларда анъанавий ташхислаш даво натижасидаги аниқланган асоратлар ҳисобга олиниб такомиллаштирилган диагностик ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

механик сариқлик ва жигар сурункали диффуз касалликлари кечишининг, клиник ва лаборатор таҳлил натижаларининг ўзига хослиги, беморларни ташхислашда ва ҳар бир беморга индивидуал ёндашиш, консерватив ва жарроҳлик усуллари орқали даволаш натижаларининг самарадорлиги аниқланган;

илмий тадқиқот натижасида ушбу тоифа беморларни даволашда асорат ҳамда ўлим ҳолатини камайтирувчи натижаларга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот объектлари сони етарлилиги, клиник, инструментал (ультратовуш сонография, эластометрия, ЭФГДС, ЭРПХГ, МРПХГ), статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги ҳамда хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Механик сариқлик ва жигар сурункали диффуз касалликлари билан оғриган беморларда учраш кўрсаткичи, уларнинг клиник кечиши, самарали даволаш тактикаси, асосий ва ҳамроҳ касалликларнинг ривожига таъсир кўрсатувчи прогностик факторлар ўрганилди. Механик сариқликнинг жигар сурункали диффуз касалликлари билан бирга оғриган беморларда комплекс текширувлар ва даволаш режаси ишлаб чиқилди. Бунга кўра, механик сариқликнинг бартараф килинишига қаратилган даво усуллари, жигар циррозининг активлигини пасайтиришга олиб келиб, бемор аҳволини энгиллаштиради, қўлланилган даво чоралари касаллик клиник кечишини ҳам энгиллаштириши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти механик сариқликни жигар диффуз касалликлари билан бирга оғриган беморларда комплекс текширувлар



ва даволаш режаси ишлаб чиқишга доир билимларни бойитишга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жигар диффуз касалликлари фонида кечувчи механик сариқликни хирургик даволаш натижаларини такомиллаштириш орқали асоратланишларнинг олдини олишдаги натижаларни яхшилаш бўйича олинган илмий хулосалар асосида:

жигар диффуз касалликлари фонида кечувчи механик сариқликни хирургик даволаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Механик сариқликнинг жигар циррози билан бирга келган беморларда ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 сентябрдаги 8н-м/766-сон маълумотнома). Мазкур услубий тавсиянома жигар циррози билан бирга келган механик сариқликни туғри ташхис қўйиш орқали жигар циррози билан бирга келган механик сариқлик билан касалланган беморларни хирургик даволаш самарадорлиги ва сифатини оширишга имкон берган;

жигар циррози ва механик сариқлик биргаликда келган беморларни текшириш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро, Вобкент, Гиждувон туман тиббиёт бирлашмалари, шунингдек, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 сентябрдаги 8н-з/303-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши, жигар циррози билан бирга келган механик сариқлик билан оғриган беморларни даволашда асоратланиш ҳолатининг олдини олиш ёки кескин камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Жигар циррозининг қорин бўшлиги аъзолари хирургик касалликлари билан бирга келган беморларни ташҳислаш ва даволашда замонавий қарашлар: адабиётлар шарҳи**» ушбу муаммонинг ҳозирги ҳолати, олдини олишнинг турли хил ёндашувлари, уларни маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг замонавий маълумотларига солиштирган ҳолда ёритилган. Адабиётлар таҳлили натижасида ушбу муаммо бўйича ҳал этилмаган вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари**» жигарнинг сурункали диффуз касалликлари (ЖСДК) фонида кечувчи механик сариклик (МС) билан оғриган беморларни шикоятлари, объектив кўрув, инструментал ва лаборатор текширув маълумотлари батафсил баён қилинган.

Илмий тадқиқот иши 2016-2020 йиллар давомида РШТЁИМ Бухоро филиалининг шошилиш хирургия бўлимида ЖСДК ҳамда ўт-тош касаллиги сабабли МС ташҳиси билан даволанган 76 нафар беморда олиб борилган изланиш натижаларига асосланган.

Беморларни ёш бўйича тақсимлашда ЖССТ ҳудудий бюросида ўтказилган семинарда қабул қилинган таснифдан фойдаланилган (Киев, 1963). Ушбу таснифга асосан 14 ёшгача болалар, 15 дан 29 ёшгача ўсмир, 30-44 ёшлар, 45-59 ёш – ўрта ёш, 60-74 ёш – кексалик, 75-90 ёш – қарилик, 90 ёшдан катталар – узоқ умр кўрувчилар гуруҳига киритилади.

Олиб борилган тадқиқотларда, ўрганилган беморлар орасида ўсмирлар 2 (2,5%), ёшлар 11 (14,5%), ўрта ёшдагилар 17 (22,5%) ва кекса ёш 24 (31,5%) нафарни ташкил қилди. Қарилар 22 (29%) ва узоқ яшовчилар ичида эса аниқланмади (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Текширилган беморларни ташҳиси, ёши ва жинсига кўра тақсимланиши

Ёш	1-гурух		2-гурух		Жами
	Э	А	Э	А	
15–29 (ўсмирлар)	1 (1,3%)	-	-	1 (1,3%)	2 (2,5%)
30–44 (ёшлар)	3 (4%)	2 (2,5%)	3 (4%)	3 (4%)	11 (14,5%)
45–59 (ўрта ёш)	6 (7,9%)	4 (5,2%)	4 (5,2%)	3 (4%)	17 (22,5%)
60–74 (кексалик)	9 (16,7%)	5 (6,6%)	5 (6,6%)	5 (6,6%)	24 (31,5%)
75–90 (қарилик)	8 (10,5%)	6 (7,9%)	6 (7,9%)	2 (9%)	22 (29%)
Жами	27 (35,5%)	17 (22,4%)	18 (23,7%)	14 (18,4%)	76 (100%)
	44 (57,9%)		32 (42,1%)		76 (100%)

Иккала гуруҳда ҳам эркаклар сони кўпроқ бўлиб, барча текширилган беморларнинг 59%ни ташкил этган.

Барча беморлар 2 гуруҳга бўлиб ўрганилди. 1-гуруҳга МС ЖСДК билан биргаликда келган ва клиникада анъанавий равишда ташхислаш ҳамда даво усуллари билан даволанган 44 нафар бемор бўлса, 2- асосий гуруҳни айнан таъкидланган ташхис яъни ЖСДК МС билан касалланган ва такомиллаштирилган даво усуллари билан даволанган 32 нафар бемор ташкил қилди.

76 бемордан 52 (68,5%) кишида жигар тўқимасида циррозли трансформация –жигар циррози(ЖЦ)нинг турли босқичлари аниқланган. 24 (31,6%) беморда эса ЖСДК яъни сурункали гепатит (фиброз даражалари) аниқланган.

Беморлардан 29 (38,1%) кишида ЖСДК клиникага келгунга қадар аниқланиб, ушбу касаллик сабабли даво муолажаларини қабул қилиб юрган. 23 (30,2%) беморда ЖЦ касалхонага ётқизилгач текширишлар натижасида аниқланган. (1-расм).




Келган беморлардан 17 (22,3 %) кишига ЖСДК ташхиси касалхонага келгандан кейин текшириш давомида қўйилган. Шу тоифа беморлардан 6 (7,9%) да эса ЖЦ ташхиси фақатгина операция вақтида қўйилган.

Шунингдек МС да юзага келадиган жигар етишмовчилиги (ЖЕ) касалликнинг барча босқичларида патологик жараённи ривожлантириб касалликни натижасига муҳим роль ўйнайди.

МС жигар етишмовчилиги ташхиси кенг қамровли клиник, лабаратор-биохимиявий ва бирқанча ускунавий усуллар ёрдамида қўйилиб ушбу муаммо охиригача ҳал қилинган деб ҳисоблаш қийин. Касалликнинг клиник кўриниш белгилари ичида муҳим ўрин тутадигани сарикликнинг яққоллиги, давомийлиги билан асаб тизимидаги рухий ўзгаришларнинг даражасидир.

Барча текширилган беморлар Галперин Э.И. классификацияга мос ЖЕ даражаларига бўлиб ўрганилди. Беморларнинг умумий ахволи ва юқоридаги

омиллар ҳисобга олиниб 1-даражадаги ЖЕ 39 (51%) бемор, 2-даражадаги ЖЕ 28 (37%) бемор ва 3- даражадаги ЖЕ эса 9 (12%) бемор таллуқли деб баҳоланди. (2-расм).



**2-расм.** Беморларда аниқланган ЖЕ натижалари

Ушбу ЖЕ даражаларига бўлинган беморлар яна 1-назорат ва 2-асосий гуруҳлар кесимида ўрганилди. 1- назарат гуруҳидаги беморлардан 22 (50%) киши 1-даража, 15 (34%) кишида 2–даража, 7 (16%) беморда 3-даража ЖЕ аниқланди. 2-асосий гуруҳдан 17 (53%) бемор 1-даража, 13 (41%) бемор 2-даража ва 2 (6%) беморда 3-даража ЖЕ аниқланди. (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Гепатобилиар етишмовчиликнинг оғирлик даражасини  
Гальперин Э.И. классификацияси бўйича баҳолаш**

ЖЕ даражалари	1–гуруҳ		2-гуруҳ		Жами	
	n=44	%	n=32	%	n=76	%
<b>1- даража</b>	22	50%	17	53%	39	51%
<b>2- даража</b>	15	34%	13	41%	28	37%
<b>3- даража</b>	7	16%	2	6%	9	12%
<b>Жами</b>	44	100%	32	100%	76	100%

Анамнез маълумотлари махсус ишлаб чиқилган бирламчи тематик карта асосида олиб борилди. Беморлар сўровдан ўтказилганда қуйидагилар ҳисобга

олинди: шикоятлари, асосий ва қўшимча касаллик анамнези, этиологик омиллари, тери ва сариклик даражаси, қорин соҳасидаги ўзгаришлар, иштаҳа, кўнгил айнаши, ушбу симптомлар даврийлиги, юқоридаги белгиларни яқин қариндошларда кузатилганлиги, қабзият, спленомегалия, капут медуза.

**Ультратовушли сонография.** УТС орқали асосий эътибор икки нарсага, яъни, биринчи навбатда билиар тизим ва жигар паренхимасига эътибор берилди. Жигар ичи ва жигардан ташқи ўт йўллари структурасига, унинг ўлчамларига, кенглиги, ўт пуфаги ҳолати, унинг ўлчамлари ичидаги суюкликка алоҳида эътибор берилган.

УТС текширувида жигарнинг ички ва ташқи ўт йўллари ўлчамлари Колесников Л.Л. (2000) бўйича белгиланди: умумий ўт йўлининг диаметри 2-4 мм, жигар ўт йўллари диаметри 0,4-1,6 мм, ўт пуфаги йўли 1,5-3,2 мм.

**Эндоскопия.** Қизилўнгач ва ошқозон шиллиқ қават ҳолати ҳамда варикоз кенгайган веналарнинг даражаси қон кетиш хавфи Щерцингер А.Г. (1988) таснифи бўйича ўрганилди. ЭГДФС натижасида барча ЖЦ аниқланган 52 (68,4%) бемордан 38 (50%) нафарида ҚВВК борлиги аниқланди. Шундан 18 (23,7%) беморда ҚВВК I даражаси, 14 (18,4%) беморда II даража ва 6 (7,9%) беморда ҚВВК III даражаси қайд этилди. 5 (6,6%) кишида анамнездан ҚВВК сабабли қон кетганлиги аниқланди.

Ундан ташқари, эндоскопик текширувда ошқозон шиллиқ қавати ҳолати ва ярали ўзгаришларга алоҳида эътибор берилди. ЭГДФС ёрдамида 26 (34,3%) бемордаги ҚВВК ташқари 18 (23,7%) кишида (портал гастропатия) эрозив гастрит аломатлари ва 5 (6,6%) беморда ошқозоннинг пилорик қисми яраси, 3 (4%) кишида ЎИБИЯК қайд қилинди.

**Эндоскопик ретроград панкреатохолангиография (ЭРПХГ)** усули ўт йўллари дуоденал катта сўрғич йўли орқали контраст юбориш йўли билан ЭОП ускунаси остида кўриниш ҳосил қиладиган диагностик ва даволаш усули. 1-гурух беморларидан барчасида ЭРПХГ амалиёти ўтказилиб, 36 (81,8%) беморда мувофақиятли бажарилган, қолган 8 (18,2%) беморда (парапапиляр интерпапиляр, дивертикул, холедохни терминал қисми стенози ва бошқалар сабабли) тери жигар холангиостомияси (ТЖХС) амалиёти бажарилди. 2-гурух беморлардан барчасида ЭРПХГ амалиёти қўлланиб, 29 (90,6) беморда мувофақиятли бажарилган. Қолган 3 (9,4%) беморда юқоридаги сабаблар туфайли ТЖХС амалиёти қилинган.

**Эластометрия.** Эластометрия ноинвазив Фиброскан ускунаси (Франция) ёрдамида ўрганиладиган усул бўлиб, 5-10 дақиқада жигар тўқимасининг эластиклигини ҳисобга олган ҳолда фиброз даражасини (Метавир усулида) аниқлаб беради. Жигар тўқимаси зичлиги кило Паскалда (кПа) ифодаланади.

Эластометрия текширув натижаларига асосланиб жигар тўқимасининг куйидаги (ҳолати) фиброз даражалари ифодаланади: F0-соғлом жигар, F1-F3 фиброз даражалари, F4-жигар циррози.

Асосий гуруҳдаги 32 беморнинг 29 (90,6%) ида жигар эластомерия (ФСКН) текшируви бажарилди. Шундан 13 (40,6%) беморда F3-F4 аниқланиб, УТСда жигар ичи ўт йўллари кенгайиши аниқланмаганлиги сабабли

беморларда 1-босқич сифатида ЭРПХГ+ЭПСТ+ЛЭ таклиф қилинди. Асосий гуруҳнинг қолган 16 (50%) беморда эластометрия текшириш натижасида F0-F2 гача борлиги аниқланди.

**МРТ холангиопанкреатография (МРХПГ).** МРХПГ усули магнит резонанс томография (МРТ) нинг алоҳида кўриниши бўлиб, гепатобилиар тизим шу жумладан жигар, ўт пуфаги, ўт йўллари, ошқозон ости беши йўлларини яққол тасвирлаб берувчи, замонавий диагностик текшириш усули бўлиб, ҳозирги даврда олтин стандарт ҳисобланади. Ушбу усул ноинвазив текшириш усули бўлиб, ўт йўлларини контраст моддаларсиз магнит резонанс компьютер томографияси ёрдамида тасвирлаб беради. Ушбу текширишда маълум бир аниқ вақтда ўт суюқлигининг чиқишини кўрсатиш орқали мазкур соҳадаги меърий оқимга тўсқинлик қилувчи сабаблар яъни тошлар, торайишлар ва ўсмалар мавжудлиги ҳақида маълумот беради.

Асосий гуруҳ беморларнинг МС УТС ташҳисотида 8 (25%) беморда жигар ичи ўт йўлларининг кенгаймаганлиги туфайли МРПХГ текшириш усули ўтказилди.

**Изланиш натижаларини статистик қайта ишлаш** IBM PC компютери ёрдамида, амалий дастурларни қўллаб олиб борилган (Clipper, Microsoft Excel). Ўртача арифметик ва стандарт хатони ҳисоблаш орқали ( $M \pm m$ ) нормал тақсимотга эга бўлган қийматларнинг миқдорий тавсифи амалга оширилди. Оддий тақсимотга эга бўлган намуналар учун кўрсаткичлар орасидаги фарқнинг статистик аҳамияти Студент -категорияси ёрдамида баҳоланган.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Жигар сурункали диффуз касалликлари ва механик сариклик бирга келган беморларда анъанавий ташхислаш ва даволаш натижалари»** ЖСДК ва МС биргаликда келган беморларда, анъанавий ташхислаш ҳамда даво усуллари билан даволанган 44 (58%) нафар бемор клиник хусусиятлари, клиник-лаборатор ва инструментал текшириш хулосалари ва даволаш усуллари баён этилган.

ЖСДК ва МС ташҳисини қўйиш мақсадида анамнез маълумотлари, ирсий мойиллик, бошидан ўтказган касалликлари, беморнинг шикоятлари (эпигастрал ва ўнг қовурға равоғи соҳасидаги оғриқлар, тери сарғайиши, тери кичиши, сийдик рангининг ўзгариши, ахлатнинг рангсизланиши, қабзият, қорин дам бўлиши) геммоарадал тугунларнинг борлиги, палпацияда спленомегалия, томир юлдузчалари, ксантелазма, ҳолсизлик, тана вазнининг камайиши, хотиранинг сусайганлиги, клиник ва биокимёвий таҳлиллари, айниқса, ПЦР натижалари, УТС хулосаси, ЭГДФС керак бўлганда ЭРПХГ натижаси, рентгенологик текшириш натижалари таҳлил қилинди.

Ушбу тоифа беморларда эпигастрал ва ўнг қовурға равоғи соҳасидаги оғриқлар, тери ва кўз склерасининг сарғайиши, тери кичиши, сийдик рангининг ўзгариши, ахлатнинг рангсизланиши билан бирга қорин дам бўлиши, қабзият бўлиши, гўштлик ва қовурилган овқат маҳсулотига кўнгил айланиши каби белгилар кўпроқ намоён бўлди.

Шунинг билан биргаликда таҳлил биокимёвий текширув натижалари ва қўшимча ускунавий текшириш хулосалари қиёсий таққослаш усулида ўрганилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, 1-гуруҳ беморларда ўнг

ковурға остида (63,6%) ёки эпигастрал соҳасидаги оғриқлар (79,5%), умумий ҳолсизлик (89 %), кўнгил айланиши, кайд қилиш (68 %), эндоген интоксикация белгилари, иштаҳанинг йўқлиги (76 %) яққол намоён бўлиб, бошланғич ва асосий клиник симптом сифатида кечган.

1-гурух беморларда умумий қон таҳлилида анемияни ҳисобга олмаганда чуқур ўзгаришлар кузатилмади. 32 (72,7%) беморда гемоглобин миқдорининг 100 г\л дан пастлиги аниқланди. (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### ЖСДК нинг МС билан биргаликда келган ҳолатларда умумий қон таҳлили натижалари

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (n=44)
Эритроцитлар, млн	3,23±0,19
Гемоглобин, г/л	94,6±4,6
Тромбоцитлар.	145,4±18,3
Лейкоцит.	8,01±0,87
Т/Я нейтрофил,%	16,2±0,51
Лимфоцит, %	32,2±2,12

Текширилаётган беморларда МС натижасида юзага келган билиар гипертензиянинг жигар функционал ҳолатига таъсири кузатилди. Жигарда кечаётган патологик жараённинг активлик даражасини таҳлил қилиш учун қуйидаги биокимёвий усуллар қўлланилди. Жигар тўқимасида цитолит мавжудлиги, цитолитик ферментлар активлиги яъни аланинаминотрансфераза (АЛТ) ва аспартатаминотрансфераза (АСТ), мезенхимал яллиғланиш жараёни тимол ва сулема синамалари, гепатодепрессия даражаси эса қон зардобидаги альбумин миқдори, ҳамда протромбин индекси орқали, шунингдек холестаза синдроми билирубин ва ишқорий фосфотазага қараб таҳлил қилинди. (4-жадвал).

### 4-жадвал

#### ЖСДК нинг МС билан биргаликда келган ҳолатларда жигар функционал ҳолати кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ЖСДК, МС (n=44) M±m
Билирубин умумий (ммоль/л)	181,68±15,91
АЛТ(ммоль/л.с)	204,09±17,65
АСТ(ммоль/л.с)	206,93±17,88
Альбумин (%)	27,48±0,77
ПТИ (%)	85,91±1,27
Тимол синамаси (ед.)	11,4±0,87

Биокимёвий таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, 1-гурух беморларда гипербилирубинемиядан ташқари 34 (77,3%) беморда АЛТ ва АСТ нинг активлиги 3-6 мартага ошган.

1-назорат гуруҳидаги 44 беморнинг клиник ва биохимиявий тахлилларига асосланган ҳолда ЖЕ даражалари аниқланди.

ЖЕ 1-даражасида альбумин миқдори 15%, протромбин индекси 8% пасайганлиги, билирубиннинг 5 мартага, АЛТ ва АСТ нинг 2-3 мартага, ишқорий фосфатазанинг 2 мартага ҳамда қонда мочевинанинг 2 мартага ошиши кузатилган.

ЖЕ 2-даражасида альбумин миқдори 25%, протромбин индекси 15% пасайганлиги, билирубиннинг 13-14 мартага, АЛТ ва АСТ нинг 4-5 марта, ишқорий фосфатазанинг 4 марта ҳамда қонда мочевинанинг 3 мартага ошиши кузатилган.

ЖЕ 3-даражасида альбумин миқдори 35%, протромбин индекси 25% пасайганлиги, Билирубиннинг 18-20 марта, АЛТ ва АСТ нинг 8-10 марта, ишқорий фосфатазанинг 6 марта ҳамда қонда мочевинанинг 4 мартага ошиши кузатилган. (5-жадвал).

#### 5-жадвал

### Назорат гуруҳидаги беморларнинг ЖЕ даражаларикесимида қон биокимёвий тахлили натижалари

ЖЕ даражалари	Билирубин	Мочевина	Ишқорий фосфатаза	АЛТ	АСТ	Албумин	Протромбин индекси
ЖЕ I	85±6	12,5±1	451±24	120±6,8	120±5,6	30±0,25	90±1
ЖЕ II	244±5	22±1,1	842±15	215±5	221±5	26±0,25	85±2
ЖЕ III	352±8	28±2,0	1425±31	445±20	450±15	22,75±0,75	75±2

44 беморнинг барчаси жигар ва ўт йўллари УТС ёрдамида текширилган. УТС билан текширилган 1-гуруҳ беморларнинг 24 (75%) нафариди жигар тўқимасида циррозли ўзгаришлар аниқланди. Шулардан 17 (39%) беморга ЖЦ ташхиси касалхонага келгунгача аниқланаган, 7 (16%) нафарда касалхонада 1-марта аниқланди, 6 (13,6%) кишида эса ушбу ташхис фақатгина операция вақтида аниқланган.

УТС орқали текширганда назорат гуруҳидаги 44 беморнинг 68% да жигар ичи ўт йўллари кенгайиши кузатилиб, 32% беморларда таъкидланган белги яъни ўт йўллари кенгайиши аниқланмади. Демак ЖСДК ва МС билан текширилган 44 беморларнинг 14 (32%) кишида билиар гипертензия аломатлари бўлсада, жигар ичи ўт йўллари кенгайиши кузатилмаган. (6-жадвал).



## МС билан ЖСДК бирга келган беморларда ташхис УЗС натижалари

	ЖЦ+МС
Жигар ичи ва ташқи ўт йўллариининг кенгайиши аниқланган.	30 (68%)
Жигар ичи ўт йўллариининг кенгайиши кўзатилмаган.	14 (32%)
Жами	44 (100%)

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Жигар сурункали диффуз касалликлари фонида келган механик сариқлик билан оғриган беморларда такомиллаштирилган диагностика ва даволаш натижалари» ушбу гуруҳдаги 32 беморнинг ташхислаш ва даволашда биринчи навбатда шикоятлари, лаборатор ва замонавий инструментал текшириш ва даволаш принципларига эътибор берилди. Анамнестик маълумотлар: беморнинг шикоятлари тери сарғайиши, ўнг қовурға равоғи остидаги хуружсимон оғриқлар, тери қичиши, ахлатининг рангсизланиши, сийдикнинг тўқ рангга бўялиши қаторида, жигар диффуз касалликларига хос бўлган симптомакомплексга эътибор берилди. Булар қабзият, овқатлангандан кейинги қорин дам бўлиши, геммоараидал тугунларнинг борлиги, палпацияда гепатомегалия, спленомегалия, томир юлдузчалари, ксантелазма, ҳолсизлик, тана вазнининг камайиши, энцефалопатия ва х.к. Барча беморларда клиник ва биокимёвий таҳлиллари, айниқса, ПЦР натижалари, рентгенологик, УТС, ЭГДФС, ЭРПХГ ва бу гуруҳ беморларда эластометрия (фибросканирование) ва МРПХГ текшириш натижалари таҳлил қилинган.

Ушбу 2-асосий гуруҳ беморларда патологик жараённи маҳаллий оғриқлар билан бирга, ЖЕ ва ЭИ белгилари яққол намоён бўлиши ва касалликнинг шиддат билан кечиши кузатилиб, ушбу клиник белгилар 1-назорат гуруҳидан деярли фарқ кузатилмаган.

**Лаборатория текшируви натижалари.** Қоннинг умумий таҳлилида 28 (87,5%) беморда гемоглобин миқдорининг 100 г\л дан пастлиги қайд этилган. (7-жадвал).

## Асосий гуруҳ беморларда умумий қон таҳлили натижалари

Кўрсаткичлар	II гуруҳ (n=32)
Эритроцитлар, млн	3,27±0,12
Гемоглобин, г\л	96,5±4,4
Тромбоцитлар.	232,6±17,6
Лейкоцит.	9,12±0,96
Т/Я нейтрофил,%	8,6±0,16
Лимфоцит, %	29,3±1,84

Асосий гуруҳдаги 32 беморнинг клиник ва биохимиявий таҳлилларига асосланган ҳолда ЖЕ даражалари аниқланиб улар қуйидагича таҳлил қилинган. (8-жадвал)

ЖЕ 1-даражасида альбумин -  $31 \pm 0,50$  (10%) га, протромбин индекси -  $87 \pm 1$  (10%) пасайганлиги, билирубиннинг 6 мартага, АЛТ ва АСТ нинг 2 мартага, ишқорий фосфотазанинг 3 мартага, ҳамда қонда мочевианинг 2 мартага ошиши кузатилган.

#### 8-жадвал

#### ЖСДК нинг МС билан биргаликда келган ҳолатларда жигар функционал ҳолати кўрсаткичлари

Курсаткичлар	(n=32) M±m
Билирубин умумий (ммоль/л)	179,37±17,35
АЛТ(ммоль/л.с)	185,25±14,67
АСТ(ммоль/л.с)	184,69±14,02
Альбумин (%)	28,77±0,86
ПТИ (%)	83,73±1,20
Тимол синамаси (ед.)	1,0±0,03
Ишқорий фосфатаза	778±2,04
Қондаги мочевина миқдори.	20,3±1,21

ЖЕ 2-даражасида альбумин миқдори -  $27 \pm 0,75$  (20%) га, протромбин индекси -  $81,1 \pm 2$  (14%) пасайганлиги, билирубиннинг 16 мартага, АЛТ ва АСТ нинг 5 мартага, ишқорий фосфотазанинг 5 мартага, ҳамда қонда мочевианинг 3 мартага ошиши кузатилган.

ЖЕ 3-даражасида альбумин миқдори -  $21,25 \pm 0,75$  (30%) га, протромбин индекси -  $73 \pm 2$  (26%) пасайганлиги, билирубиннинг 18 мартага, АЛТ ва АСТ нинг 6 мартага, ишқорий фосфотазанинг 5 мартага ҳамда қонда мочевианинг 4 мартага ошиши кузатилган. (9-жадвал).

#### 9-жадвал

#### Асосий гуруҳ беморларининг қон биохимик таҳлилларига қараб ЖЕ даражаларга бўлиниши

ЖЕ даражалари	Билирубин	Мочевина	Ишқорий фосфатаза	АЛТ	АСТ	Альбумин	Протромбин индекси
ЖЕ I	96,1±6	12,0±1	461±24	125±6,8	129±5,6	31±0,50	87±1
ЖЕ II	254±4	24±1,1	836±15	225±5	219±5	27±0,75	81,1±2
ЖЕ III	402±10	28,5±2	1402±31	439±20	435±25	21,25±0,75	73±2

**Ультратовушли сонография.** Асосий гуруҳдаги 32 беморнинг барчасида УТС бажарилди. II - гуруҳ беморларнинг 22 нафарида жигар тўқимасида циррозли ўзгаришлар аниқланди. Шулардан 12 беморга ЖЦ ташхиси касалхонага келгунгача, 10 нафарда касалхонада текширувлар натижасида аниқланди. Ушбу асосий гуруҳдан 8 беморда МСнинг клиник белгилари бўлсада, УТС текширувида билиар гипертензия аломатлари аниқланмаганлиги сабабли қўшимча замонавий усуллардан ҳисобланган жигар эластометрияси ва МРХПГ усулидан фойдаланиб (МС) аниқланган.

УТС текширувида асосий гуруҳдаги 32 беморнинг 75%да жигар ичи ўт йўллари кенгайиши кузатилиб, 25% беморларда жигар ичи ўт йўллари кенгайиши аниқланмади. ЖСДК ва МС билан текширилган 32 бемордан 8 (25%) да билиар гипертензия аломатлари бўлсада, жигар ичи ўт йўллари кенгайиши кузатилмаган. (10-жадвал).

#### 10-жадвал

#### Механик сариклик билан ЖСДК бирга келган беморларда ташҳис УЗС натижалари.

	ЖСДК+МС
Жигар ичи ва ташқи ўт йўллари кенгайиши аниқланган.	24 (69%)
Жигар ичи ўт йўллари кенгайиши кўзатилмаган.	8 (31%)
Жами	32 (100%)

**Эндоскопия.** ЭГДФС текшируви натижасида 32 (100%) кишидан 13 (41%) беморда ҚВВК аниқланди. Шундан 6 (19%) беморда ҚВВК I даражаси, 4 (12,5%) беморда ҚВВК II даража ва 3 (9%) беморда ҚВВК III даражаси қайд этилди. Текширилган беморлардан 2 (6%) кишида анамнездан портал гипертензия натижасида қон кетганлиги аниқланган.

**Эластометрия.** Асосий гуруҳ беморларининг жигар фиброз даражасини аниқлаш, ташҳисот ва даволаш тактикасини такомиллаштириш мақсадида 29 (90,6%) беморга эластометрия текшируви қўлланилди. Эластометрия текшируви ўтказилган 29 бемордан 22 кишида фиброз даражаси F4, 4 кишида F3 ва 3 беморда F2 даражадаги фиброз аниқланган.

**Магнит резонанс панкреатохолангиография (МРПХГ).** Асосий гуруҳ беморларнинг клиникагача бўлган даврда механик сарикликнинг УТС ташҳисотида 8 (25%) беморда жигар ичи ўт йўллари кенгаймаганлиги сабабли, сарикликнинг механик сабабини аниқлашда 8 (25%) беморда ҳам беморда МРПХГ текшириш усули ўтказилди. Бунда умумий ўт йўлида УТС неготив бўлган турли хил ўлчамдаги конкрементлар аниқланган.

Шуни таъкидлашимиз жоизки, ушбу беморларда эластометрия текширувида ЖЦ нинг F4 даражаси аниқланди. Юқоридагиларни инобатга олиб ушбу тоифа беморларда 1-назорат гуруҳидаги кузатилган асоратларни такрорламаслик мақсадида (гемобилия, қорин бўшлиғига қон ва ўт суюқлигининг оқиши) беморларга фақатгина эндоскопик ретроград

декомпрессия қилиш усули қўлланди ва бу усул шу тоифадаги беморларга қўллаш самарали усул деб ҳисобланган.

#### **Даволаш усуллари.**

**Консерватив усул:** II-гурух беморларнинг барчасига анъанавий даво усули яъни спазмолитиклар, аналгетиклар, дезинтоксикацион ва симптоматик даво муолажалари олиб борилди. Жигар энцефалопатиясини даволаш ва қон кетиши олдини олиш мақсадида Лактулоза, Гепат-Мерц 20мл, Глутатион кислотаси 1200 мг, ИПП, H2 гистаминоблокаторлари ва антацитлар тавсия қилинди. Бу гуруҳ беморларда қон ивиш системаси таҳлиллари олинганлигидан сўнг К витаминининг синтетик аналоги 1% викасол 1,0 x 2 маҳал 3 кун давомида тавсия қилинган.

**Жарроҳлик усули:** жарроҳлик усулларидан - лапаротомия, лапароскопия, миниинвазив усуллардан (ЭРПХГ+ЭПСТ+ЛЭ, эндоскопик умумий ўт йўлини стентлаш, ТЖХС) қўлланилган.

**2-асосий гуруҳ беморларда бажарилган жарроҳлик амалиётлари.** Жами 32 бемордан 1-босқич сифатида 29 (90,5%) кишига ЭРПХГ+ЭПСТ +ЛЭ амалиёти бажарилган. Ушбу миниинвазив усуллар ЖЕ 2-даражасига тегишли ва эластометрияда фибрознинг F3-F4 даражасида бўлган 13 беморда, ҳамда ЖЕ 3-даражасига тегишли 2 нафар беморда бажарилган.

Бу гуруҳ беморларнинг 3 (9,5%) нафарида эндоскопик ретроград усулида умумий ўт йўлини декомпрессия қилишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли ТЖХС амалиёти бажарилди. Ушбу ТЖХС усули амалиётдан кейинги асоратларни олдини олиш мақсадида, эластометрия текширувида жигар тўқимасидаги фибрознинг фақатгина F2 даражаси бўлгандагина қўлланилган. 32 бемордан 2-босқич сифатида 22 (69%) кишига ЛХЭК амалиёти, 4 (12,5%) беморга анъанавий ХЭК билан бир қаторда холедохолитотомия, холедохни Кер бўйича дренажлаш амалиёти бажарилган. ТХЭК+холедохолитотомия қилинишига сабаб умумий ўт йўлидан тошни миниинвазив усулда бартараф қилишни иложи бўлмаганлигадир. 6 (18,75%) беморда механик сариқлик сабаби яъни ЭРПХГ+ЭПСТ+ЛЭ орқали бартараф қилинганлиги сабабли 2-босқич амалиётига ўтилмаган. (11-жадвал).

**11-жадвал**

#### **II асосий гуруҳида бажарилган даво усуллари**

ЖЕ даражалари	ХЭК+Холедо холитотомия		ЛХЭК		ЭРПХГ+ЭПСТ+ЛЭ		ТЖХС	
	n=32	%	n=32	%	n=32	%	n=32	%
ЖЕ I	4	12,5	7	22	14	43,75	3	9,5
ЖЕ II	-	-	13	40,5	13	40,5	-	-
ЖЕ III	-	-	2	6,25	2	6,25	-	-
Жами	4	12,5	22	68,75	29	90,5	3	9,5



**Механик сарикликнинг жигар сурункали диффуз касалликлари билан бирга келган беморларда даволаш алгоритми**



**Механик сарикликнинг жигар сурункали диффуз касалликлари билан бирга келган беморларда даволаш алгоритми**

## ХУЛОСА

1. Шошилиш жарроҳлик бўлимларида даволанган барча беморларнинг 4,6% механик сариқлик ташкил қилиб, шундан 64% нинг сабаби ўт-тош касаллигидир. Ўт-тош касаллиги натижасидаги механик сариқликларни 20,4% да жигарнинг сурункали диффуз касалликлари йўлдош касаллик сифатида аниқланди. Жигарнинг сурункали диффуз касалликлари ташхиси 30% ҳолларда касалликнинг узоқ вақт симптомсиз кечиши сабабли стационарда бирламчи аниқланди.

2. Механик сариқлик ва жигар сурункали диффуз касалликлари биргаликда келган беморларда қорин соҳасидаги оғриқлар билан бир қаторда умумий ҳолсизлик ва диспептик симптомлар устунлиги билан кечди. Ушбу беморларда жигар тўқимасидаги цирротик трансформация сабабли УТС да 31% ҳолларда механик сариқликдада кузатиладиган жигар ичи ўт йўллари кенгайиши кузатилмади. Ушбу ҳолат эластометрия текширувида жигар тўқимасидаги фиброз жараёнининг F4 босқичида учради.

3. Ўт тош касаллиги сабабли механик сариқлик ва жигар сурункали диффуз касалликларининг бирга кечиши, мураккаб патологик жараён бўлиб, уларни тўғри ташхислаш чуқур диагностик эътиборни талаб қилади. Акс ҳолда ушбу гуруҳ беморларда механик сариқлик ўз вақтида аниқланмасдан бошқа профилдаги касалхоналарга йўлланиши мумкин. Ушбу тоифа беморларда механик сариқликни даволашнинг I-II босқичларида хавфли асоратлар (гемобилия, қорин бўшлиғига ўт ва қон оқиши) кузатилди ва ўлим 9,1% ташкил қилди. Ушбу асоратлар ЖЕ нинг 2-3- даражаларида кузатилди.

4. Жигарнинг сурункали диффуз касалликлари фонида кечувчи механик сариқликни бартараф қилишда, миниинвазив декомпрессия усуллари самарали бўлиб, уларни танлашда, жигар паренхимаси ҳолатига эластометрия натижаларига асосланиб ёндашиш муҳим роль ўйнайди. Жигар паренхимасидаги фиброз жараёни F3-F4 да, ЖЕ II-III босқичида эндоскопик мулоажаларни танлаш мақсадга мувофиқ. ТЖХС усулини фақатгина F2 даражасида бажариш самарали усул ҳисобланади.

5. Ўт-тош касаллиги сабабли механик сариқлик билан жигарнинг сурункали диффуз касалликлари гумон қилинган ҳолатларда, текшириш ва даволаш алгоритмида: бемор шикоятлари, анамнези, клиник белгилар, лаборатор таҳлиллар, УТС, ЭГДФС, ЭРПХГ текширувлари етарли бўлмаслиги мумкин, бундай ҳолатларда жигар эластометрияси ва МРТ- холангиография усуллари кенгрок фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019. Tib.93.01 ПРИ БУХАРСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**КЕНЖАЕВ ЛАЗИЗ РАЗЗАКОВИЧ**

**УЛУЧШЕНИЕ РЕЗУЛЬТАТОВ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ  
ЖЕЛЧНОКАМЕННОЙ БОЛЕЗНИ С МЕХАНИЧЕСКОЙ ЖЕЛТУХОЙ  
НА ФОНЕ ДИФФУЗНОГО ЗАБОЛЕВАНИЯ ПЕЧЕНИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в высшей аттестационной комиссии при кабинете министров республики Узбекистан за № B2021.1.PhD/Tib1753

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации выполнен на трех языках (узбекский, русский, английский), и размещен на веб-странице научного совета ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)), и на информационно-образовательном портале Zivonet» ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz))

Научный руководитель	Ураков Шухрат Тухтаевич доктор медицинских наук
Официальные оппоненты	Лигай Руслан Ефимович доктор медицинских наук
	Хакимов Мурод Шавкатович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация	Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневского. (Российская Федерация).

Защита состоится «3» марта 2022 г. в 12<sup>30</sup> часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. А.Навои № 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50) e-mail:buhme@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 076. Адрес: 200118, г. Бухара, ул. А.Навои 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50).

Автореферат диссертации разослан «17» февраля 2022 года (реестр протокола рассылки № 11 от 17 февраля 2022 года)



*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]*

**А.Ш. Иноятов**  
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.Н. Ачилова**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам, доцент

**Н.А. Нуралиев**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Н.А. Нуралиев**



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Среди хронических диффузных заболеваний печени, цирроз печени, на сегодняшний день, остаётся одной из наиболее актуальных медицинских проблем, во всем мире, по причине значительного увеличения заболеваемости и высокой смертности. По данным ВОЗ, 300 тысяч человек ежегодно умирают от цирроза печени. «...заболеваемость циррозом печени высока и на сегодняшний день не имеет тенденций к снижению, как в мире, так и Центральном-Азиатском регионе, где проблема распространенности вирусных гепатитов рассматривается в рамках краевой патологии...»<sup>1</sup>. Известно, что среди хронических диффузных заболеваний печени, цирроз печени занимает особое место, из-за специфики течения, осложнений и уровня смертности, как упоминалось выше. В начале 2010 года уровень заболеваемости людей с циррозом печени составил 1-11%, средний возраст больных – 46 лет, а ожидаемая продолжительность жизни больных с данной патологией – 3-6 лет. ВОЗ ставит цирроз печени на 8-е место по смертности в мире.

В мире за последние двадцать лет многими учеными был проведен ряд исследований по изучению частоты и течения хронических диффузных заболеваний печени в сравнении с рядом других хирургических заболеваний, их клиническими особенностями, диагностике и лечению, а также хирургической тактике. То есть, в опубликованных ранее работах ряда авторов, можно найти достаточно достоверную информацию о язвенной болезни желудка и двенадцатиперстной кишки, остром и хроническом холецистите, эхинококковой болезни, грыжах брюшной стенки, остром панкреатите, острой кишечной непроходимости, у больных с циррозом печени. В литературе достаточно информации о диагностике и лечении больных желчнокаменной болезнью с сопутствующим циррозом печени. Однако, в изученных нами источниках литературы недостаточно информации о диагностике и тактике лечения желчнокаменной болезни, точнее холедохолитиаза, в случаях, когда патология связана с осложнениями, в виде механической желтухи на фоне хронического диффузного заболевания печени. Конечно, желчнокаменная болезнь, являющаяся одной из причин механической желтухи, имеет тесную связь с хроническими диффузными заболеваниями печени. Здесь диффузное заболевание печени и желчнокаменная болезнь могут быть связаны друг с другом, т.е. любое из двух заболеваний может быть первичным или вторичным. По данным авторов, холедохолитиаз встречается у 28-32% пациентов с циррозом печени.

В нашей стране в целях развития здравоохранения, адаптации медицинской системы к требованиям мировых стандартов, профилактики и лечения больных с механической желтухой на фоне хронических диффузных заболеваний печени Указом Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» было

---

<sup>1</sup> Ураков Ш.Т., Абидов У.О. Синдром механической желтухи. Бухара, 2020. - С. 12-15.

отмечено о необходимости «...повышения эффективности качества и вседоступности медицинской помощи в стране, а также создания системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения...»<sup>2</sup>

Данная диссертационная работа в определенной степени отвечает требованиям решений, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и № ПП-3071 от 20 июня, 2017 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Согласно статистике, за последние 20 лет, быстрое развитие кардиохирургии, достижения в области кардиофармпрепаратов, прогресс в ранней диагностике и выявлении заболеваний сердечно-сосудистой системы, привели к значительному снижению осложнений в этой области, в том числе и смертности. Вместо этого, на первый план выходят осложнения заболеваний пищеварительной системы. Среди болезней органов пищеварения лидирующие позиции по заболеваемости занимают болезни печени и желчевыводящих путей (Каримов Ш.И. и соавт., 2015). Известно, что хроническое диффузное заболевание печени - мультисистемное заболевание, которое в большинстве случаев провоцирует хронические заболевания, существующие в организме, и вызывает осложнения, а в некоторых случаях непосредственно провоцирует патологический процесс (Уроков Ш.Т., Эшонов О.Ш., 2019).

Одной из актуальных проблем современной медицины является рост распространенности хронических диффузных заболеваний печени, среди населения и отсутствие четкого представления о диагностике и лечении тех случаев, когда это заболевание сопровождается другими дополнительными заболеваниями органов брюшной полости.

